O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

БУГУНГИ СОНДА:

**САФЛАР МУСТАҲКАМ**

"Адолат" СДП фаоллари



Ўз атрофига 19 та бошланғич ташкилот ва 500 нафарга яқин аъзони бирлаштирган Вобкент тумани партия Кенгашининг "Адолат" СДПда алоҳида ўрни бор. 2

**ЗИДДИЯТЛАР ЗАНЖИРИ**

Янги йил арафасида бошланган Фаластиндаги ХАМАС ташкилоти ва Исроил ҳукумати ўртасида юзага келган навбатдаги келишмовчиликлар жаҳон жамоатчилигини ларзага солмоқда. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг ёзида ҳар икки томон ўртасида аҳдлашув битими имзоланган эди. 2008 йилнинг 19 декабрида мазкур ярашув лойиҳаси ниҳоясига етгач, расмий Тель-Авив муддатни узайтириш таклифи билан чиқди, аммо... 3

**ЁШЛАРИМИЗ — ЯРИМ ФИНАЛДА**



Қатарда бўлиб ўтаётган анъанавий "Дўстлик" халқаро турнирида қатнашаётган ёшлар терма жамоамиз "А" гуруҳидаги уч учрашувнинг барчасида ғалаба қозониб, ярим финалга гуруҳ ғолиби сифатида йўл олди. 4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

№ 2 (706)
2009 йил, 16 январь, жума

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Фракция фаолияти

## ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Парламентдан мухбиримиз Фарҳод ЭСОНОВ хабар қилади:**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги мажлиси бир нечта муҳим қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланди.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров бошқарган йиғилишда дастлаб «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда кўриб чиқилди. Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Акциядорлик тижорат банки «Микрокредитбанк»нинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида Марказий банкнинг АТБ «Микрокредитбанк»нинг устав капиталида иштирок этиши белгиланган. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунига асосан Марказий банк давлат-тижорат Халқ банкининг устав капиталида иштирок этиши мумкин. Аммо бу бошқа банкларга тааллуқли эмас.

Шунингдек, депутатлар томонидан давлатимиз раҳбарининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишига асосан «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Галдаги муҳокама 2008 йилнинг 15 август куни Тошкентда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим»ни ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасига бағишланди. Унда инвесторлар учун қулай шарт-шароитларни яратиш, инвестицияларга оид ўтказмаларни кечиктирмасдан, эркин амалга ошириш ва бошқа қатор имтиёзлар кафолатланганлиги таъкидланган.

Битимнинг 1 ва 2-иловаларида ўзбек ва япон томонларининг ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиб, улар маълум ҳамкорлик соҳаларида тегишли чекловларни кўзда тутади. Шунингдек, ҳужжатнинг 26-моддаси 1-бандига асосан томонлар ички талаблар бажарилганлигига оид дипломатик ноталар билан алмашингач, битим 30 кун мобайнида кучга киради.

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, балки ўзининг серқирралиги билан ҳар икки мамлакат манфаатларига салмоқли хизмат қилади, — деди фракция аъзоси Зуҳра Ботирова. — Бунга етарлича асос бор. Биргина 2008 йилнинг 9 ойи мобайнида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ташқи савдо ҳажмининг 44 фоизга ошгани ёки юртимизда Кунчиқар мамлакат билан ҳамкорликда 10 та лойиҳа амалга оширилаётганлиги фикримиз тасдиғидир. Бундан ташқари, мамлакатимизда Япониянинг 22 та йирик корпорациялари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Қўшма лойиҳалар самараси ўлароқ, Самарқанд шаҳрида «Исузу» русумли автобус ва юк ташувчи автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Депутатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг 2009 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида фракция аъзоси Собир Турсуновнинг маърузаси тингланди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.



Суратда: *фракция йиғилишидан лавҳа.*



Аҳолини электр энергияси билан бир маромда таъминлаш ва айни пайтда энергия тежамкорлигига эришиш — «Андижон электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти жамоасининг бош мақсадидир. Бугунги кунда жамият тасарруфидаги 1163 километр узунликдаги ҳаво тармоқлари, 299 та трансформатор пунктлари, 535 та тармоқ трансформаторлари тўла ва сифатли таъмирланди.

Андижон вилоятида янгидан 45 та трансформатор пунктлари ва 26 километр узунликда ҳаво тармоқлари ҳам тез суръатларда қурилиб ишга туширилди. Электр энергияси таъминотида узилишлар бўлиши ва ундан ноқонуний фойдаланиш ҳолларига барҳам берилмоқда. Электрон ҳисоблагич воситалари ўрнатиш ишлари ҳам изчил олиб борилаяпти.

**Суратда:** *«Андижон» станцияси ходимлари Исомиддин Аҳмедов(чапдан ўнгга), Ёдгорбек Солиев, Абдурашид Сатимов ва Ойбек Сотволдиевлар.*

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини takomillashtirish чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Сурхондарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.*

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

— Вилоятда 14 чақирув пункти мавжуд, – дейди Сурхондарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, подполковник Асқад Авизов. – Фармонга мувофиқ Қуролли Кучларда ҳарбий хизматга февраль-март ойларида бир марталик чақирув жорий этилди. Жорий йилда амалга ошириладиган чақирувни муваффақиятли ўтказиш, чақирилувчиларга қулай шарт-шароит яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни саралаш жараёни тубдан яхшиланди. Бўлажак ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосликларни, ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий услуб ва шаклларини ўзлаштириб олиш қобилиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ.**

## ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТДИ

«Ҳазорасп-текстил» масъулияти чекланган жамияти Хоразм вилоятидаги экспорт салоҳияти ошиб бораётган саноат корхоналаридан биридир.

Мазкур корхонада "Асака" банкининг молиявий кўмагида модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Цехлардаги эски дастгоҳлар замонавий, самарадорлиги юқори технологиялар билан алмаштирилди. Юздан зиёд ишчига қулай меҳнат шароити яратиб берилди.

– Биз енгил саноат тўқимачилиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда гилам тўқишда ишлатиладиган, жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган ипкалава ишлаб чиқарамиз, – дейди корхона директори Рихситилла Юсупов. – Корхонамиз йилига 2 минг 200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўтган йили тайёрланган 2 минг тоннага яқин ип-калаванинг 1300 тоннадан ортиғи экспорт қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг замонавий ип-йигирув дастгоҳларини келтириш режалаштирилган. Бу қўшимча иш жойлари очиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини беради.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ.**

## ЭЛГА МАНЗУР ҚУЛАЙЛИКЛАР





*2008 йилда Нукус темир йўл вокзали қайта таъмирдан чиқарилиб, йўловчилар учун зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилди.*

*Айни пайтда темир йўл вокзали жамоаси йўловчиларни манзилларига ўз вақтида етказиш ва халқ хўжалиги юкларини ташиш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда.*

**Суратларда:** *Нукус темир йўл вокзали кўриниши; касса ходими Анор Миножова.*

**Арслон КАННАЗАРОВ олган суратлар.**

## ПАРТИЯНИНГ НУФУЗИ

*ҳудудий Кенгашларнинг жипслиги, ташаббускорлиги ва фаоллигига боғлиқ*

Сиёсий партияларга яратилган кенг имкониятлар мамлакатимизда фаолият олиб бораётган партиялар орасида жиддий рақобат муҳитини юзага келтирди. Бунда фақат кўпсонли фаол аъзоларни бирлаштирган, маънавий ва сиёсий жиҳатдан етук етакчилар заҳирасига эга бўлган сиёсий партиягина кўзланган марраларни забт этиши мумкин. Кейинги пайтларда ўзининг хайрли ишлари билан халқ орасида обрў-эътибор қозониб бораётган партия ташкилотимиз фуқароларнинг маънавий дунёсини янада бойитиш, сиёсий онгини ошириш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда.

Айни пайтда вилоятимизда 2 та шаҳар, 14 та туман партия Кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Унда аъзолар сони қарийб 23 минг кишини ташкил этади. Партиядошларнинг аксарияти хотин-қизлар, талаба-ёшлар, зиёлилардан иборат.

(Давоми 2-бетда).

## ЭНГ ЯХШИ МАҲСУЛОТ

Шўртан газ-кимё мажмуасининг маҳсулотлари юқори сифатга эга эканлиги кўплаб халқаро ташкилот ва нуфузли уюшмалар томонидан бир неча бор эътироф этилган. Хусусан, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган республика кўрик-танловида ҳам мазкур корхона 2008 йил ғолиби деб топилди.

– Корхонамизга топширилган махсус диплом ва мукофот биз учун қадрли, – дейди Шўртан газ-кимё мажмуаси сифат менежменти тизими гуруҳ раҳбари Ботир Маллаев. – Негаки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар расман "Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулотлари" дея аталади. Бу эса жамоамиз учун ҳеч муболағасиз катта шарафдир.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**

## 7 кун нафаси

### ЯНГИЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Риштон туманидаги марказий шифохона қайта реконструкция ҳисобига бутунлай янгича қиёфа касб этди.

Гап шундаки, тумандаги марказий шифохона жиҳозлари йиллар давомида анча эскирган эди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат Дастури доирасида мазкур шифохона қайта таъмирланди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига бир миллиард уч юз миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Замонавий кўринишга эга бўлган шифохонадаги шарт-шароитдан аҳоли мамнун.

**Эмнжон ЙЎЛДОШЕВ, «Adolat» мухбири.**

### «ЗОМИН САЙҚАЛИ» ҒОЛИБ

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтган йилнинг энг яхши маданият ва санъат жамоалари, номдор ижодкорлари аниқланди. Номинациялар бўйича ўтказилган сўровда «2008 йилнинг энг яхши театри» унвонига Ўзбек миллий академик драма театри сазовор бўлди. «Энг яхши маданият саройи» номинацияси бўйича ғолибликни Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи ғолибликни қўлга киритган бўлса, Жиззах вилоятининг «Зомин сайқали» фольклор этнографик ансамбли «Энг яхши фольклор жамоа» деб топилди. Тадбирда шунингдек, Йилнинг энг яхши режиссёри, бастакори, драматурги, қўшиқчиси, рақкосалари ҳам эълон қилинди.

### ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ногиронларга кўмак бериш, уларни қўллаб-қувватлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири ҳисобланади. Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Айтиш керакки, бу ўқув даргоҳида 420 нафар жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар тикувчилик, радиотелевизион аппаратураларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сингари олти йўналишда таҳсил олмоқда.

– Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлардан барча ўқувчиларимиз хурсанд бўлишмоқда, – дейди коллеж директори Орифжон Сотволдиев. – Ўтган йили коллежимизда таъмирлаш ишларига 1 миллиард 710 миллион сўм сарфланди. Натижада янги спорт зали барпо этилди. Кенг ва ёруғ хоналар замонавий ўқув жиҳозлари билан тўлдирилди. Бундай қулайликлардан ҳамма мамнун.

**Алижон МИРЗАБОЕВ.**

Мустақиллик мевалари

# «НАСАФ» ҲАРАКАТДА

– Илгари Қаршидан Тошкентга автобус ёки енгил машиналарда борардим, – дейди йўловчи Ҳотам Жумамуродов. – Касбим ўқитувчи. Миришкор туманидаги 28-ўрта умумтаълим мактабида ишлайман. "Насаф" қатнови йўлга қўйилгач, пойтахтга бир марта поездда бордим-у, жонимнинг ҳузурини билдим. Юмшоқ ўриндиқларда мазза қилиб, телевизор томоша қилиб кетишнинг гашти бошқача бўларкан. Айниқса, купеда дилингиздаги киши билан ҳамроҳ бўлсангиз нур устига аъло нур... Қолаверса, вагон кузатувчиларининг ширинсўзлигини айтмайсизми...

Поезд дастлаб Қаршини пойтахт билан ҳафтасига 2 марта боғлаган бўлса, ҳозир шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни йўловчилар хизматида. Темирйўл компанияси маъмурияти йилнинг тўрт фаслида ҳам йўловчиларни манзилларига хавф-хатарсиз етиб олишлари учун барча шароитларни яратиб берган. Олти вагондан иборат "Насаф" поезди бир йўла 252 нафар йўловчини манзилига етказади.

"Ўзтемирйўлйўловчи" очиқ акциядорлик жамияти Қарши филиали раҳбари Бахтиёр Файзуллаевнинг таъкидлашича, "Насаф" поезди ўтган бир йилда қарийб 95 минг нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатган.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Adolat» мухбири.**



Устоз ва шогирдлик анъаналарини давом эттираётган бугунги авлод қадимий урф-одатларимизни келажакка етказишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, ёғоч ўймакорлик соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон ҳунармандлар уюшмаси аъзоси Анвар Азларов шогирдлари билан ишлаб чиқараётган ҳунармандчилик маҳсулотлари кўпчиликнинг эътиборига тушмоқда.

***Суратда:** Ўзбекистон ҳунармандлар уюшмаси аъзоси Анвар Азларов шогирди Фахриддин Юсуфхўжаев билан.*

Шарҳ

# ЗИДДИЯТЛАР ЗАНЖИРИ

### ҒАЗОДАГИ ТЎҚНАШУВЛАРГА САБАБ НИМА?

Янги йил арафасида бошланган Фаластиндаги ХАМАС ташкилоти ва Исроил ҳукумати ўртасида юзага келган навбатдаги келишмовчиликлар жаҳон жамоатчилигини ларзага солмоқда. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг ёзида ҳар икки томон ўртасида аҳдлашув битими имзоланган эди. Бироқ, 2008 йилнинг 19 декабрида ярашув ниҳоясига етгач, расмий Тель-Авив бу муддатни узайтириш таклифи билан чиқди, аммо ХАМАС ташкилоти бунга жавобан Исроилнинг жанубий туманларига ракета ҳужумлари уюштирди. Орадан бир ҳафта ўтиб, Исроил ҳарбийлари Ғазо секторини жангарилардан тозалаш мақсадида "Қуйма қўрғошин" операциясини бошлади. Исроил расмийлари ўз ҳаво зарбаларини олти ойлик сулҳ тугаганидан сўнг Ғазодан яҳудий давлати ҳудудига мунтазам равишда уюштирилаётган ракета ҳужумларига жавобан амалга оширилганини айтган.

### БИРИНЧИ КУН

Исроил ҳарбийлари 2008 йил 27 декабрь маҳаллий вақт билан соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда «Қуйма қўрғошин» операциясини бошлади ҳамда бир неча йиллардан буён турли кучларнинг тўқнашув марказига айланиб бораётган Ғазо секторига 50 та самолёт ва вертолётлар ёрдамида илк ҳаво зарбаларини берди, шу куни қарийб 170 та объект нишонга олинган. Оқибатда 225 нафар одам ҳалок бўлиб, қарийб 700 нафар фуқаро жароҳатланган. Бу Исроилнинг Ғазо секторида 1967 йилги 6 кунлик операциясидан кейинги энг йирик зарбасидир.

### ...15 ЯНВАРЬ

Исроил ҳарбийлари ўтган икки ҳафта давомида асосан ҳаводан ҳужумлари уюштириб, минтақадаги жангариларнинг бошқарув тизимлари, казармалар, илмий лаборатория базалари, полиция маҳкамалари, қурол-яроғ омборхоналарини ўққа тутган бўлса, айни пайтда ҳарбий операция ҳам ҳаво, ҳам денгиз, ҳам қуруқлик орқали амалга оширилмоқда. Россиянинг ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарига кўра, ХАМАС ташкилоти ҳам бунга жавобан ер ости йўлларидан кириб келаётган қурол-яроғлардан фойдаланиб, Исроилга ракета зарбалари бермоқда. Ҳар икки томоннинг бундай хатти-ҳаракати тинч аҳоли вакиллари ўртасида қурбонлар сонининг ошишига олиб келмоқда. Ҳозир 1,5 миллион аҳоли истиқомат қиладиган минтақада танг аҳвол юзага келган. Боз устига халқаро донор давлатлардан Фаластинга берилаётган молиявий кўмакнинг камайиб кетгани ва сиёсий-иқтисодий инқироз сабабли, мухторият аҳолисининг турмуш даражаси кескин тушиб кетган.

Маълумотларга кўра, Ғазода ҳалок бўлганлар сони минг нафардан ошади. Шундан қарийб 60 фоизини аёллар ва ёш болалар ташкил этади. Аммо бу Интернет орқали тарқатилаётган маълумотлар, холос. Аслида эса 20 кундан буён давом этаётган аёвсиз жанглар оқибатида қурбон бўлаётганлар сонини аниқ айтиш мушкул. Исроил мудофаа вазири Эхуд Баракнинг журналистларга берган интервьюсига қараганда, Ғазодаги ҳарбий ҳаракатлар операция муваффақиятли якунлангунга қадар давом этаверади.

### МОЖАРОНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Бу, аввало, Исроил билан араб давлатлари ўртасида ўн йилликлар мобайнида ўз ечимини топмай келаётган можаро (1948, 1956, 1967, 1973, 1982 йиллардаги араб–Исроил урушлари шулар жумласидан)нинг бевосита давомидир. Иккинчидан, халқаро терроризм, хусусан Яқин Шарқ минтақасида қатор жангари гуруҳларнинг пайдо бўлиши, уларнинг Исроилга қарши жангарилик уринишлари бугунги можароларга олиб келди.

Яна бир сабаб – бу Фаластиндаги ички низолардир.



Мамлакатдаги икки етакчи сиёсий ҳаракат – ФАТҲ ва ХАМАС ўртасида келишмовчиликлар юзага келганига анча бўлди. Шу боис, Фаластинда қўшҳокимият юзага келган. Айни пайтда Рамаллоҳ, Наблус каби йирик шаҳарлар жойлашган Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида мухторият раиси Маҳмуд Аббос ҳукмронлик қиляпти. Ғазо ҳудудида эса 2006 йилги парламент сайловларида ғалаба қозонган бош вазир Исмоил Хония етакчилигидаги ХАМАС ҳаракати назорати ўрнатилган.

Ўта эҳтиёткор Маҳмуд Аббос бошчилигидаги ФАТҲ аллақачон иқтисодиётида ҳарбий саноат асосий ўринни эгаллайдиган Исроил давлатини тан олган. Бошдан яҳудий давлатига қарши бўлган ХАМАС эса, бу масалада мухторият раиси билан ҳамфикр эмас (2004 йилда ХАМАСнинг икки йирик етакчиси – Аҳмад Ёсин ва Абдулазиз Рантисий Исроил хавфсизлик кучлари томонидан ўлдирилган эди. Шундан кейин ХАМАС яҳудий давлатига қарши кураш эълон қилган).

Фаластин — Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида жойлашган, майдони 26 минг кв.км. Фаластиннинг асосий қисми Исроил билан Иорданияга тегишли.

Исроил майдони 14,1 минг кв.км. Аҳолиси 7 миллиондан ортиқ. Асосий иқтисодий ва маданий маркази – Тель-Авив шаҳри. Исроил ҳукумати БМТнинг 1947 йилдаги қарорига зид равишда 1950 йилда Қуддус шаҳрининг ғарбий қисмини давлат пойтахти деб эълон қилди. 1980 йил 30 июлда Қуддус Исроилнинг «абадий ва бўлинмас» пойтахти деб эълон қилинди. Мамлакатда ягона конституция йўқ.

Маҳмуд Аббос – 1967 йилги чегара бўйича Ғазо ҳудуди, Ғарбий Соҳил ва Шарқий Қуддусни ўз ичига олган Фаластин давлатини ташкил этиш тарафдори. Аксинча, ХАМАС ҳаракати эса тарихий чегаралар тикланишини ва Фаластинга қарашли бўлган барча ҳудудларга эгалик қилишини истайди. ФАТҲ раҳбари, агар Исроилнинг ҳарбий ҳаракатлари ХАМАС режимининг тугаши билан якунланса, Ғазо секторидаги ҳокимиятни ўз қўлига олишини маълум қилган.

### НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

Жаҳон ҳамжамияти Исроил-Фаластин можаросини қаттиқ қоралаб, Исроил ҳукумати ва ХАМАС ташкилоти раҳбарларини қарама-қаршиликларни зудлик билан тўхтатиш ва минтақа аҳолисига гуманитар ёрдамлар кўрсатишга чақирган. Айни пайтда Европа Иттифоқи, Америка, Осиёнинг кўплаб давлатларида Ғазодаги ҳарбий операцияларга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда.

Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишнинг жуда кўплаб воситалари бор. Аммо бу воситаларга томонлар қандай муносабатда бўлишади – кўп нарса шунга боғлиқ. Муроса Исроил ва Фаластиннинг ўз қўлида.

**Рустам ЁДГОРОВ.**

Мурожаатлар «Адолат» эътиборида

# САВДО КЕЛТИРГАН ҒАВҒО

Биз инсонпарвар жамиятда яшаяпмиз. Бош Қомусимиз билан мустаҳкамланган қонунларимиз юртдошларимизнинг тинч-осойишта, бахтли-саодатли турмуш кечиришларини таъминламоқда. Суд-ҳуқуқ тизимида юз бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлар адолат тамойилларини қарор топишига хизмат қилаяпти. Аммо айрим қонун посбонларининг адолатсиз ишлари бу ютуқларимизга соя солмоқда. Улар инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият эканлиги билан ҳисоблашаётгани йўқ. Туҳмат ва бўҳтондан иборат асоссиз айбловларни чиқариб, бошимизни ташвишга қўйишмоқда. Умр бўйи эл-юрт учун меҳнат қилиб, ёшим 60 ни қоралаганда мен ҳам ана шундай ноҳақликларнинг жабрини тортаяпман. Вилоятимизда адолат излаб бормаган жойим қолмади. Натижа чиқавермагач, яъни, ҳақиқат қарор топмагач, охири "тўртинчи ҳокимият"га, яъни, сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдим. Токи қонунни ким бузганлиги, ким маломатга қолганлигини, бошқалар билиб қўйишсин.

Жондор туманидаги "Сепата" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Зарафшон" ширкат хўжалиги 2005 йили тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Шу муносабат билан иш олиб борган қайта ташкил этиш комиссиясининг 2007 йил 28 майдаги 23-сонли баённомасига асосан ширкатга қарашли қурилиши тугалланмаган ҳар хил типдаги бинолар қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфига ўтказиб берилди. Мен ўша пайтларда ҚФЙнинг раиси бўлиб ишлардим. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, шарт-шароитларни яхшилаш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Дарвеши қишлоғидаги қурилиши тугалланмаган фельдшер-акушерлик пункти биносини "Ким ошди" савдосига қўйишга қарор қилдик. Бу ҳақда Республика кўчмас мулк биржасининг Бухоро вилояти филиали томонидан эълон ҳам берилди. Бундан бир йил аввал, яъни, 2008 йилнинг 14 январида кўчмас мулк биржасининг тизимида 9-электрон биржа савдоси бўлиб ўтди. Унинг натижасига кўра умумий қиймати 1 миллион 240 минг сўм, майдони 422,4 кв-метрдан иборат бўлган бу бино фуқаро Сайфутдин Нуриддиновга сотилди. Шу куннинг ўзидаёқ унга Республика кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали томонидан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи 0000014-сонли ордер берилди.

Ҳамма ташвиш ана шундан кейин бошланди. Жондор тумани прокуратураси менга нисбатан асоссиз равишда жиноят иши очди. Қурилиши тугалланмаган "ФАП" биносининг Сайфутдин Нуриддиновга сотилганлиги ҳақидаги кўчмас мулк биржасининг Бухоро вилояти филиали томонидан берилган 9/10497/D – 19039-сонли кўчмас мулк олди-сотди шартномаси ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи 0000014-сонли ордерни бекор қилиш ҳақида даъво аризаси қўзғатди. Эмишки, мен бу жараёнда мансаб ваколати доирасидан чиқиб, ҚФЙнинг сохта баённомасини расмийлаштирган ва электрон биржа савдолари орқали бинони С.Нуриддиновга сотилишига эришган эмишман. Шунчалик ҳам бўладими? Элни фаровон, юртни обод этишни тақозо этиб турган бир пайтда бу ишга тўғаноқ бўлиб, тўсқинлик қилишнинг кимга кераги бор? Нега бу ишга мутасаддилар панжа орасидан қарашмоқда, менга қилинган туҳматлардан, С.Нуриддиновнинг топталган ҳақ-ҳуқуқларидан кўз юмишмоқда. Ахир кўчмас мулк биржасидагилар анойи эмас-ку. Уларнинг ҳам ўзлари таянадиган қонунлари, йўл-йўриқлари бор.

Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини паймол этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу Конституциямизда ҳам белгиланган. Шундай экан, менга қўйилган айблар асосли ёки асоссиз эканлигига қонун посбонлари ойдинлик киритиши керак.

**Ҳазрат ЭРГАШЕВ,**
**2-гуруҳ ногирони,**
**Жондор тумани,**
**Чорзана қишлоғи.**

***Уй-жойларни, хонадонларни ёки уларнинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?***

**Лобар АҲМЕДОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

## УЙ-ЖОЙГА ҲУЖЖАТ

Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимлар мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада тасдиқланади. Уларни тасдиқлашда нотариуслар бу мулкларни бошқа шахсга ўтказувчига тегишлилигини текширадилар. Бошқа шахсга ўтказилаётган мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи қуйидаги ҳужжатларнинг бири билан тасдиқланади:

– шахсий мулк асосида уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартнома;

– олиш-сотиш, ҳадя, айирбошлаш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартнома;

– уй-жой очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисида нотариус томонидан берилган гувоҳнома;

– меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ворислик гувоҳномаси;

– эр-хотиннинг умумий молк-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳнома;

– давлат далолатномаси, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг қарори.

Юқорида тасдиқланган хужжатларда улар ҳокимиятлар (ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматида) қайд этилганлиги тўғрисидаги ёзув бўлиши керак. Нотариус уй-жойни ёки хонадоннинг ўзгага топшириш ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжатдан ташқари ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматининг маълумотномасини талаб қилади. Агар ер майдони бу маълумотномада кўрсатилгандан кўп бўлса, уй-жой эгаси нотариусга шаҳар, туман ҳокимиятининг ер майдони миқдорида ўзгартиришга рухсат берганлиги тўғрисидаги қарорини ҳам тақдим этади.

**Азиза ДЎСТОВА,**
**ҳуқуқшунос.**

# ОБОДОНЧИЛИККА БАРЧА МАСЪУЛ



Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва истироҳат боғлари, спорт майдонлари ва бошқа кўплаб жамоатчилик жойларини кенг ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида киши кўзини қувонтирувчи қанчадан қанча спорт майдонлари, турар-жой бинолари ва маъмурий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бироқ, жойларда айримларнинг боқибеғамлиги ва лоқайдлиги туфайли ҳамон аҳоли манзилгоҳлари, хусусан, қишлоқлар кўркига-кўрк, чиройига чирой қўшиб турган маданият муассасалари қаровсиз аҳволда эканлиги ташвишли ҳол.

Аҳолисининг 65 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этган Каттақўрғон туманида спорт майдонларига бўлган эътибор суст. Туманнинг олис қишлоқларидаги аҳволни қўя турайлик, ҳокимият биносининг шундоқ орқасида жойлашган 5 минг кишилик "Ёшлик" ўйингоҳидаги аҳвол ниҳоятда ачинарли. Ўйингоҳдаги жиҳозлар қаровсизликдан синиб-чириб кетиш ҳолига келган. Дарвоза ва томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқлар аҳволига, таъбир жоиз бўлса, маймунлар йиғлайди.(Суратларга эътибор беринг). Спортни ўзининг келажаги деб билган ёшлар мана шу ўйингоҳда машғулотлар ўтаб, республикамиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб ютуқларга эришсалар туман аҳли учун ҳам, мутасаддилар учун ҳам фахр ва ифтихор эмасми?

Бундан ташқари, ўзбек халқи ифтихори, мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳайкалининг хароба аҳволга келганлигини кечириб бўлармикан? Ёки Қорадарё соҳилида жойлашган Мотамсаро она ҳайкали қаровсиз қолдирилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Аждодлар руҳини шод этиш, уларнинг хотираси макон топган жойларни обод қилиш барчанинг бурчи эмасми!



Биз бир гуруҳ фахрийлар бу ҳақда туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилдик. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмаяпти. Ахир, биз туманимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган муассасалар ва майдонлар фаолиятини яхшилашни сўраб мурожаат қилдик-ку!

Ҳурматли таҳририят! Илтимос, ушбу арзномани газета саҳифасида чоп этсангиз. Зора, туман мутасаддилари мавжуд камчиликларни бартараф этишга киришсалар...

**Саттор ҲАТАМОВ,**
**Каттақўрғон тумани.**




## ВАКОЛАТ ПАРЛАМЕНТГА ҚАЙТАРИЛДИ

***Туркманистон парламенти президент сайловларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлди.***

Туркманистон Мажлиси (парламенти) Қонунчилик ҳокимиятидаги энг юқори вакиллик органига айланди. Бу ҳақда яқинда кучга кирган "Мажлис ҳақида"ги қонунда белгилаб қўйилди.

ИТАР-ТАСС агентлиги маълумотларига кўра, мазкур қонуннинг аввалги таҳрири мамлакатнинг биринчи президенти Сапармурод Ниёзов даврида қабул қилинган бўлиб, унда Мажлис доимий амал қилувчи давлат қонунчилик органи ҳисобланган. Энг юқори орган эса Халқ Маслаҳати эди.

Халқ Маслаҳати С.Ниёзов вафотидан сўнг 2007 йил февралда сайланган амалдаги президент Гурбангули Бердимуҳамедов ташаббуси билан бекор қилинганди.

2008 йилда Бердимуҳамедов мамлакатда қатор ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказди. Конституциянинг янги таҳрири, "Депутатларнинг Мажлисга сайлови тўғрисида"ги янги қонун қабул қилинди, аввал Халқ Маслаҳати эгалик қилган олий Қонунчилик органи ваколати парламентга қайтариб берилди.

## «1-КАНАЛ» УЗИБ ҚЎЙИЛДИ

***Эстония Болтиқбўйи давлатлари учун узатилаётган рус тилидаги «Биринчи Болтиқбўйи канали»ни эфирга узатмай қўйди.***

Эстонияда мазкур канал кўпроқ маҳаллий ахборотлар, қизиқарли дастурлар ёки рекламалар берилаётган пайтида узатиларди. Бу эса мижозлар сони ва даромад топиш имкониятини камайтириб, кадрлар муаммосини келтириб чиқарди.

Россиялик расмийлар Эстониянинг «Старман» ва СТВ кабелли телевидениелар томонидан эфирга узатиб келинган «1-канал» мутахассислари билан музокаралар олиб боришни мўлжаллашмоқда.

## МИТИНГ ТАРТИБСИЗЛИККА АЙЛАНДИ

***Латвияда содир бўлаётган тартибсизликлар оқибатида қарийб 200 нафар одам жароҳатланди.***

Пойтахт Ригада 13 январь куни «Бошқа сиёсат» партияси томонидан уюштирилган митинг оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарди. Иштирокчилар ҳукумат томонидан молиявий инқирозга қарши олиб борилаётган чора-тадбирларга нисбатан норозилик билдиришди. Латвия расмийлари томонидан мавжуд иқтисодий инқирозни бартараф этиш мақсадида бюджетдаги сарф-харажатлар қисқартирилиб, солиқлар миқдори оширилди.

Мингдан ортиқ аҳоли иштирок этган бу намойишларда пойтахтдаги кўплаб муассасалар жиддий зарар кўрди.

